



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Махкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров – СамДУ тадқиқотчиси

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация: Ушбу мақолада Самарқанд вилоятидаги машҳур маданий мерос объектларига ташриф буюрувчи томошабинлар ҳолати йиллар кесимида таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада маданий мерос объектларининг ажралмас қисми саналмиш музейлар фаолияти Самарқанд вилояти мисолида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: маданий мерос, моддий маданий мерос, архитектура, музей, мозийга саёҳат, Регистон, Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Афросиёб музейи, Каттакўрғон шаҳар тарихи музейи

Кириш. Бугунги кунда дунёдаги айрим мамлакатлар ўртасида содир бўлаётган иқтисодий-ҳарбий зиддиятлар ва турли ҳил инфекцияларнинг тарқалиши натижасида жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада салбий таъсир қилмоқда. Дунёда кечаётган ҳарбий ҳаракатлар натижасида маданий мерос объектлари хавф остида қолмоқда. Хусусан, бундан бир неча йиллар олдин толибонлар томонидан Афғонистондаги Будда ҳайкаллари ва айрим қилинганлиги ёки Суриянинг йирик мараказий шаҳри Мосул музейидаги дурдоналарнинг йўқ қилиниши, минтақанинг бой маданий меросини вайрон қилинишини айтиш жоиздир. Маданий мерос объектлари ўзини қайта тиклай олмайди. Мали, Сурия, Украина, Ироқ, Афғонистондаги кўплаб бинолар ва қадимий санъат асарлари жуда катта талофат кўрган ҳамда буткул йўқ қилинган.

Маданий мерос бойликлари туристларни жалб қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли маданий мерос бойликларини асраб-авайлаш ва уни кейинги авлодларга қолдириш мамлакат олдида турган долзарб вазифа саналади. Мамлакатимизда кейинги йилларда туризмни ривожлантириш ҳамда маданий меросимизни сақлаш борасида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ ги Қарори ҳамда 2022 йилнинг 18 февралдаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”² ги Қарорлари мамлакатимиздаги тарихий бинолар ва иншоотларни, музейларимизда сақланаётган нодир қўлёзма ёдгорликлари ҳамда санъат асарлари ва кўплаб номоддий қадриятларимизни муҳофаза қилиш орқали маҳаллий ва хорижий туристлар оқимини оширишга қаратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. АҚШлик олим С.Уилям туризмни барқарор ривожлантиришда маданий мерос объектлари бўйича тадқиқотлари кенг қамровга эга. Унинг фикрига кўра Маданий мерос - бу жамиятнинг ўтган авлодларидан қолган нодир асарлар ва тарихий бино ва иншоотларидир. А.М. Салливаннинг фикрига кўра туризмда маданий мерос деб моддий маданият (масалан, бинолар, ёдгорликлар, манзаралар, китоблар, санъат асарлари), номоддий маданият (фолклор, урф-одатлар, тил ва билим каби) ва табиий мерос (шу жумладан маданий аҳамиятга эга ландшафтлар ва биологик хилма-хиллик) дея таъриф берган. А.В.Лисицкийнинг фикрича “Маданий меросни барқарор ривожланиш манбаи сифатида” маданий мероснинг барқарор ривожланиш жараёнларидаги ўрни, роли ва функцияларини ўрганиб чиққанлар ва маданий мерос тушунчаларининг замонавий тизимлари таснифини ривожлантириш борасида мазмунли фикрлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида қиёсий ва солиштирма таҳлил, синтез ва анализ усулларидан фойдаланилган.

¹ <https://lex.uz/docs/5465593> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.06.2021 й., 07/21/5150/0581-сон; 15.01.2022 й., 06/22/52/0029-сон)

² <https://lex.uz/uz/docs/-5868619> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2022-й., 07/22/135/0148-сон)

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда ўтган 30 йил ичида маданий мерос объектларига етказилган зарар миқдори қарийб 4 триллион сўмдан кўпроқ¹ бўлганлиги маданий мерос объектларининг қанчалик хавф остида эканлигини кўрсатади. Ушбу объектларга етказилган зарар сабабли бу объектларни ўзининг асл ҳолатига келтириш имконсиз масаладир. Шу сабабли йилдан-йилга маданий мерос объектларини реставрация ишларига йўналтирилган маблағ ҳажми ошиб бормоқда. Маданий мерос агентлиги томонидан 2022 йилда амалга оширилаётган асрашга доир ишлар ва 2023 йилда режалаштирилаётган кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларида 2023 йилда реставрация харажатларига 2022 йилдаги режага қараганда икки баробарга оширилади. Хусусан 2022 йил давомида 140,9 млрд сўм маблағ реставрация ишларига йўналтирилиши белгиланган бўлса, 2023 йилда эса ушбу ишларга 282,3 млрд сўм йўналтирилиши белгиланган. (1-жадвал).

1-жадвал

Маданий мерос агентлиги томонидан 2022 йилда амалга оширилаётган асрашга доир ишлар ва 2023 йилда режалаштирилаётган кўрсаткичлар тўғрисида маълумот²

№	Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил*
1	Реставрация ишларига йўналтирилган маблағ	140,9	282,3
2	Реставрация амалга ошириладиган объектлар сони	68	125
3	шу жумладан, Самарқанд вилояти	17	55
4	Навоий	1	3
5	Бухоро вилояти	26	32
6	Наманган		5
7	Тошкент шаҳри	3	5
8	Фарғона	1	9
9	Жиззах		3
10	Қорақалпоғистон Республикаси	1	2
11	Андижон вилояти		3
12	Қашқадарё вилояти	4	1
13	Хоразм вилояти	9	5
14	Сурхондарё вилояти	5	2

Ушбу жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга ошириладиган маданий мерос объектлари сони 2022 йилда 68 та объектда амалга оширилиши кўзда тутилган. 2023 йилда эса бу объектлар сонини 125 тагача ошириш мақсадида аниқ режа ишлаб чиқилган. Жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак вилоятлар кесимида Самарқанд вилоятида амалга ошириладиган ишлар салмоғи бошқа вилоятларга қараганда анча баландлигини кўришимиз мумкин. Самарқанд вилоятида 2022 йилда 17 та объектда реставрация ишлари амалга оширилса, 2023 йилда реставрация ишлари амалга ошириладиган тарихий объектлар сони 55 та етказилади. Юқоридаги жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятларида 2022 йилда маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлашга доир бирорта режани амалга ошириш кўзланмаган. 2022 йилда эса маданий мерос объектларини реставрация қилиши борасида Бухоро вилояти етакчилик қилмоқда. Бухоро вилоятида 2022 йилнинг сўнгигига қадар 26 та маданий мерос объектларини реставрация қилиниши кўзланган бўлиб бу вилоятлар кесимидаги энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу жадвалдаги маълумотларга назар солсак 2022-2023 йилларда Самарқанд вилоятидаги 72 та маданий мерос объектларида реставрация ишлари амалга оширилиши мақсад қилинган.


¹ https://uza.uz/uz/posts/videoselektor-yigilishida-madaniy-meros-obektlariga-etkazilgan-zarar-miqdori-malum-qilindi_367715

² <https://madaniymeros.uz/> Маданий мерос агентлиги томонидан 2022 йилда амалга оширилаётган асрашга доир ишлар ва 2023 йилда режалаштирилаётган кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумот.

Шу боисдан биз ўз таҳлилимизни вилоят ҳудудидаги маданий мерос объектларига туристларни келиш ҳолатини таҳлил қилишга қаратдик. Таҳлилимизни аввало маданий мероснинг ажралмас қисми саналмиш музейларга ташриф буюрувчи томошабинлар сони бўйича жаҳондаги етакчи саналмиш музейлардан бошладик.

Жаҳон мамлакатларида ва бизда ҳам музейлар туристларни ўзига жалб қилувчи асосий восита саналади. Хусусан, Франциянинг пойтахти ҳисобланмиш Парижда жойлашган Лувр музейи туристларнинг ташрифи бўйича 2018 йилда ўз тарихида илк бор рекорд даражада томошабинларни қабул қилиб олди. Ушбу музейга 2018 йилда 10 млн. 200 минг киши ташриф буюрган. Ушбу ташрифлардан қўрилган даромад айрим мамлакатларнинг бутун туризм соҳасидан оладиган даромадидан юқорироқ.

“The art newspaper” нашри томонидан 2019 йилда энг кўп сайёҳларни қабул қилган топ 10 талик музейлар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда албатта Лувр музейи ташриф буюрувчилар сони бўйича етакчилик қилмоқда (9 миллион 600 минг ташриф буюрувчилар сони). Рўйхатда кейинги иккинчи ўринда жойлашган Миллий музейига қарийб 7 миллион 400 минг томошабин ташриф буюрган. Кейинги ўринларда эса Ватикан музейи (6 миллион 900 минг нафар томошабин), Метрополитен Санъат музейи (6 миллион 500 минг томошабин), Британия музейи (6 миллион 200 минг томошабин), Тате Модерн музейи (6 миллион томошабин), Натионал Галлерй Лондон (6 миллион томошабин) ва Эрмитаж (4 миллион 600 минг томошабин) музейлари жойлашган (1 расм).



1-расм. “The art newspaper” нашри томонидан 2019 йилда энг кўп сайёҳларни қабул қилган топ 10 талик музейлар рўйхати¹

Жаҳонда музейларга ташрифлар доимий равишда ошиб бормоқда. Халқаро туризмни ривожланиши музейлар ва тарихий-маданий бойликлар билан узвий равишда амалга ошмоқда. Бизнинг республикамызда ҳам музейлар борасида катта потенциал мавжуд. Бу борада албатта Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарлари етакчи саналади.


Самарқанд вилояти туристларни ташриф буюриши ҳамда зиёратини амалга ошириши учун маданий мерос обидаларининг сони ва тарихи бўйича нафақат республикамызда балки жаҳон мамлакатлари орасида ҳам етакчи ҳисобланади. Республикамызда туристлар оқимини оширишда музейларнинг роли муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Музейларда ноёб маданий бойликлар сақланади, шу сабабли музейлар туризм ва маданий меросни ажралмас бир қисми ҳисобланади. Самарқанд вилоятидаги

¹ The art newspaper нашри нашри маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўплаб тарихий артефактлар, ноёб маданий бойликлар, тарихий кўлёзма ёдгорликлари ва экспонатлар албатта вилоятдаги музейларда сақланади. Музейлар маданий мерос унсурларини ўзида сақловчи муҳим бир объект саналади.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 9 та музейлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ушбу музейларда тарихий қадр-қимматга бой бўлган экспонатлар сақланиб келинмоқда ва томошабинлар учун доимий равишда ўз экспонатларини бойитиб келмоқда. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфида қуйидаги музейлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Вилоятимизда Ўзбекистон маданият тарихи давлат музейи, Вилоят ўлкашунослик музейи, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Афросиёб музейи, С.Айний уй-музейи, Каттакўрғон шаҳар тарихи музейи, Иштихон туман тарихи музейи, Пахтачи туман тарихи музейи ва Эргаш Жуманбулбул ёдгорлик музейлари ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Ушбу музейларга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюришиб музей экспонатлари билан танишадилар. Ушбу музейларга 2021 йилда 224.476 нафар томошабинлар келган.

Жаҳонда аста-секинлик билан пандемия сабаб қўлланилган чекловларни бекор қилиниши натижасида музейларга ташрифлар тикланиб бормоқда. Чекловларнинг бекор қилиниши натижасида 2021 йилда Самарқанд вилоятидаги музейларга келган томошабинлар сони 224476 нафарни ташкил қилиб 2020 йил билан солиштирганда бир неча баробарга кўпроқ кўрсаткични қайд этган. (2-расм)



2-расм. Самарқанд вилоятидаги музейларга 2017-2021 йилларда ташриф буюрган томошабинлар сони (киши ҳисобида)¹.

2-расмдан кўриниб турибдики келадиган томошабинлар сони 2019 йилда келган томошабинлар сонидан 463846 нафарга ёки 67 фоизга камроқни ташкил қилган. Пандемиядан кейин музейларга ички ва хорижий туристлар оқими аста-секинлик билан ошиб бормоқда ва яқин йилларда олдинги ҳолатига келишига умид қилиб қоламиз. Музейларда хизмат кўрсатиш ҳолатини яхшилаш ва музейчилик соҳасини кенгайтириш борасида бир қанча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 27 май санасидаги “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги Қарорида мамлакатимиз бўйлаб музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, “мозийга саёҳат” махсус дастурини амалга ошириш, музейларда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ва музейлардаги қимматли маданий меросимизга оммани кенг жалб қилиш каби аниқ чора-тадбирлар келтирилган.

Ҳукуматимиз томонидан туризмга қаратилаётган катта эътибор натижасида 2017 йилдан то 2019 йилгача вилоятимиздаги музейларга ташриф буюрувчилар сони икки баробарга ошган эди. 2020 йилнинг март ойидан бошланган локдаунд ҳолати эса

¹ <https://madaniymeros.uz/> Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфидаги музейларга ташриф буюрган томошабинлар сони тўғрисидаги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

² <https://lex.uz/uz/docs/6040013>. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.05.2022 й., 07/22/261/0456-сон)

музейларга ташриф буюрувчилар сонини буткул тўхтатди. 2020 йилда келган томошабинлар сони 2019 йилга нисбатан 10 баробардан зиёдга камайгирди. Хусусан 2019 йилда Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган 8 та музейларга ташриф буюрган томошабинлар сони 688325 нафарни ташкил қилган бўлса 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 63009 кишини ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидги музейларга 2017-2021 йилларда ташриф буюрган томошабинлар сони тўғрисидаги маълумот (киши ҳисобида)¹

Музейлар номи	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Ўзб. маданияти тарихи давлат музейи	9 428	10 655	9 683	4 600	11 119
Вилоят ўлкашунослик музейи	7 093	10 811	9 842	1 695	7 511
Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси	233 067	503 610	575 626	47 688	165 229
Афросиёб музейи	56 011	63 485	75 094	3 236	20 069
С. Айний уй-музейи	4 348	1 531	1 806	1 243	4 349
Каттақўрғон шаҳар тарихи музейи	6 372	7 723	8 331	2 997	7 150
Иштихон туман тарихи музейи	3 702	4 330	4 830	1 300	3 480
Пахтачи туман тарихи музейи	1 344	1 783	3 113		3 834
Жами ташриф буюрувчилар	321 365	603 928	688 325	63 009	224 479

2-жадвалга қарайдиган бўлсак 2020 йилнинг статистик маълумотлари пандемиянинг қанчалик кучли таъсир қилганлигини кўрсатади. Жадвалдан кўриниб турибдики 2020 йилда Пахтачи туман тарихий музейига бирорта томошабин ташрифи кузатилмаган. Қолган музейларга ҳам ташриф сони у қадар баланд бўлмаганлигини кўришимиз мумкин. Ҳар йили музейларга томошабинлар сонини орттириш мақсадида очиқ музейлар куни ўтказилиб келинмоқда. Шунга қарамадан маҳаллий аҳоли ўртасида музейларга қизиқиш паст даражада қолмоқда. Музейларда жойлаштирилган энг ноёб экспонатлар тўғрисидаги медиа ахборотларни ва маълумотларни интернет тармоғида тарғибот қилиш орқали томошабинлар сонини кўпайтириш мумкин. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки музейлар туристлар сонини оширишда ҳамда маданий меросни сақлашда ҳам аҳамиятли саналади.

Жаҳон мамлакатларида музейлар сингари тарихий-маданий обидалар ҳам туристларни ўзига жалб қилувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ўзлигини англашга ҳаракат қилган мамлакат миллий анъаналарини тиклаш, ўзлаштириш ва кенг оммани таништириш, тарихий-маданий мерос объектларни, зиёратгоҳларни қадимий диний масканларни асраб-авайлаш, зарар етказилган айрим объектларни аслига монанд ҳолда қайта тиклаш, реконструкция ва таъмирлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Республикамиз ўзининг қадимий тарихи ва анъаналари билан бутун дунёга машҳур давлатлардан бири ҳисобланади. Республикамизда бугунги кунда 8000 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Айниқса Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент шаҳарлари ўзининг тарихий бинолари ва обидалари билан анча машҳур ҳисобланади. Самарқанд вилоятида жойлашган Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди ва мақбараси ва Нодир Девонбеги мадрасасига нафақат маҳаллий сайёҳлар, балки хорижлик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш билдириб келмоқда. Бугунги кунда ушбу объектларга ташрифлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак тарихий обидаларга ташрифлар сони секинлик билан тикланмоқда. Мисол учун 2021 йилда ушбу 4 та тарихий объектга ташрифлар сони 1139750 нафарни ташкил қилган ва ўтган 2020 йилга нисбатан 4 мартага кўпроқдир. Пандемиядан олдинги давр билан солиштирганда эса паст натижа

¹ <https://madaniymeros.uz/> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидги музейларга ташриф буюрган томошабинлар сони тўғрисидаги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал

Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди ва мақбараси ва Нодир Девонбеги мадрасасига 2017-2021 йилларда ташриф буюрувчилар тўғрисида маълумот¹

Тарихий-маданий обидалар номи	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Амир Темур мақбараси	274.497	730 439,0	677 968	62 485	272 058
Бибихоним масжиди	200.788	534 585,0	588 498	52 805	185 317
Нодир Девонбеги мадрасаси	5.592	3 633,0	2 372		2 111
Регистон майдони	1.056.987	1209969	1159767	188488	680 264
Жами ташриф буюрувчилар	1.537.864	2.478.626	2.428.605	303.778	1.139.750

кўзга ташланади. Пандемиядан олдинги 2019 йилда ушбу 4 та объектга ташрифлар сони 2428605 нафарни ташкил қилган ва бу натижа 2021 йилга нисбатан 2 мартага кўпроқдир. Ушбу таҳлилимиздан кўриниб турибдики ташрифлар сони ижобий томонга ўсиб бормоқда. Ўсиш суръати шу маромда давом этса оптимистик таҳлилимизга асослансак 2-3 йилда тарихий обидаларга ташрифлар сони олдинги ҳолатига қайтади.

Хулоса ва таклифлар. Тарихий обидалар тарихий кадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади, ушбу обидалар санъат асаридек туристларни ўзига ром қилади. Дарҳақиқат, қурилиш соҳаси инсоният тараққиётининг бир тури бўлиб, уни оддий қурилиш иши билан чегаралаб бўлмайди, лекин уни фақат бадиий ижод тури деб ҳам бўлмайди Умрбоқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда маданий мерос объектларини самарали сақлаш ва томошабинларни жалб қилиш борасида қуйидаги таклифларни келтириб ўтаемиз:

- ҳудудлардаги мавжуд музейлар ҳақидаги маълумотларни очиқ тизимга жойлаштириш ва янги экспонатлар ҳақида доимий янгиликларни интернет платформасига жойлаб бориш орқали томошабинларни жалб қилиш;

- маданий мерос объектларига келувчи хорижий туристларга ўзларининг тилларида объект ҳақидаги маълумотни тезда чоп этиб бериш лозим, чунки ҳозирги кунда гидларнинг асосий қисми инглиз, француз ва рус тиллари бўйича малакага эга;

- иқтисодий - ахборот унсури сифатида туризмни ривожлантиришнинг тарихий ёдгорликларнинг геоахборот тизимини шакллантириш лозим;

- мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ва туристларни қабул қилиш имкони мавжуд объектларнинг ягона онлайн маълумотлар бериб боровчи тизимини яратиш зарур;

- яратилган тизим орқали келган хорижий сайёҳларга минтақада мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган дестинация ҳақида ишончли ва тезкор маълумотлар олиш имкони пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтсак нафақат аждодларимизнинг қолдирган моддий-маданий мерос объектларини тарихини, ёшларнинг маънавиятини, ватанга муҳаббатини, илмий-амалий аҳамиятини чуқур ўрганиш балки ушбу объектлар орқали туризм инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. William S. (2007). "Closing Pandora's Box: Human Rights Conundrums in Cultural Heritage". In Silverman, Helaine; Ruggles, D. Fairchild (eds.). Cultural heritage and human rights. New York, NY: Springer. ISBN 9780387713137. OCLC 187048155
2. <https://repository.jmls.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1392&context=ripl> Маданий мерос ва янги медиа: ўтмиш учун келажак.
3. Лисицкий А.В. Культурное наследие как ресурс устойчивого развития: Дисс. на соиск. учен. степ. к.и.н.: Спец. 24.00.01. Москва, 2004. 151 с.
4. <https://madaniymeros.uz/>
5. <https://static.norma.uz>

¹ Самарканд давлат музей-кўриқхонаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилди.

6. [https:// lex.uz](https://lex.uz)
7. <https://uza.uz>
8. <https://whc.unesco.org/en/list/>

<p>Б.Бекназаров Статус и анализ посетителей объектов культурного наследия (на примере Самаркандской области)</p> <p>Аннотация: В данной статье анализируется ситуация с посетителями известных объектов культурного наследия Самаркандской области на протяжении многих лет. Также в статье на примере Самаркандской области изучается деятельность музеев, которые являются неотъемлемой частью объектов культурного наследия.</p> <p>Ключевые слова: культурное наследие, материальное культурное наследие, архитектура, музей, поход в музей, Регистан, Государственный музей культуры и истории Узбекистана, Музей-комплекс Мирзо Улугбека, Музей Афросияб, Городской историко-краеведческий музей Каттакурган.</p>	<p>B.Beknazarov Status and analysis of visitors to cultural heritage sites (in the context of Samarkand region)</p> <p>Abstract: This article analyzes the situation of visitors to famous cultural heritage sites in Samarkand region over the years. Also, in the article, the activities of museums, which are an integral part of cultural heritage objects, are studied on the example of Samarkand region.</p> <p>Keywords: cultural heritage, material cultural heritage, architecture, museum, trip to the museum, Registan, Uzb. State Museum of Culture and History, Mirzo Ulugbek Museum-Complex, Afrosiyob Museum, Kattakurgan City History Museum.</p>
--	--

Adxam Anvarovich Karshiyev – SamISI tayanch doktoranti

TURIZM SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

Annotatsiya. Ushbu maqolada turizm sohasini rivojlanishini rejalashtirishning ahamiyati bayon etilgan. Bunda Samarqand viloyati turizm sohasi misolida strategik rivojlanish yo‘nalishlari hamda muallifning viloyatda turizmni rivojlantirish bo‘yicha sakkizta tashabbusi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: rejalashtirish, strategiya, turizm, ziyorat, ekotizim, ilm, innovatsiya.

Kirish. Bugungi kunda mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirish, uni yangi bosqichlarga olib chiqish, turistik salohiyat va imkoniyatlarimizdan maksimal darajada foydalanish borasida keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, sohani rivojlantirishning me‘yoriy-huquqiy asoslari ham takomillashtirilib borilmoqda.

Tarixiy obidalarga boy yurtimizning turistik salohiyati va bu salohiyatdan foydalangan holda turizm turlarini rivojlantirish imkoniyatlari juda katta. Hozirgi vaqtda, dunyoda turizm sohasining bir qancha yangi va zamonaviy turlari ham paydo bo‘lganki, ularning ayrimlarini O‘zbekistonda tadbiq etish ayni muddao bo‘lar edi. Buning natijasida hududlarimizda qo‘shimcha daromad va ish o‘rinlari yaratilishiga, bu esa aholining yashash darajasi va sifatining yanada yaxshilanishiga olib keladi. Shu sababli, turizm sohasi asoslari va uni rag‘batlantirish, muammolarni o‘rganish juda dolzarbdir.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Turizm sohasining umumiy asoslari Al-Smadi, H.M., Buzrukova, M., Janzakov, B., Ilieş, A., Grama, V., Ilieş, D.C., Csobán Vargáné, K., Dávid, L.D.lar asarlarida o‘z ifodasini topgan. Turizm sohasini o‘rganayotgan mustaqil davlatlar olimlari orasida Pardayev M., Sazonov T., Batalina M. ni alohida ko‘rsatib o‘tish lozim. Ular o‘z tadqiqotlarida turizmning nazariy asoslarining tahlilini ushbu hodisaning shakllanishi va rivojlanishining xorijiy tajribasini umumlashtirish asosida amalga oshirganlar.

Shunday qilib, turizm sohasida juda ko‘plab ilmiy ishlarning mavjudligiga qaramasdan, ushbu yo‘nalish bo‘yicha ilmiy munozaralar hali yakunlanmagan. Mavjud ilmiy tadqiqotlarda zamonaviy dunyoda ushbu hodisaning o‘rni va rolini, o‘ziga xos xususiyatlarini va chegaralarini aniqlash muammolariga hali yetarlicha e‘tibor qaratilmagan.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023